O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
PISKENT TUMANI
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ПИСКЕНТ ТУМАНИ
ҲОКИМИ

QAROR
РЕШЕНИЕ

Пискент т. 66 -сон «03» февраль 2017 йил

Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пункларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сонли "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарини ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари, 2012 йил 50-сон, 559-модда) ва "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги (Рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрел), (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил 17-сон, 229-модда) қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар (Пискент тумани мудофаа ишлари бўлими, Пискент туман Ички Ишлар бўлими, Пискент туман Миллий хавфсизлик хизматидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда банд бўлмаган техникаси бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини 1-иловага мувофиқ 2017 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш учун туман ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш туман “ЎзДавтехназорат” инспекцияси қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (Ғ. Қодирқулов)га юклатилсин.

5. Пискент туман ҳокимининг 2016 йил 15 январдаги 15-сон “Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2016 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори бекор қилинсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Облоқулова зиммасига юклансин.

Туман ҳокими в.в.б: **Б.Алимбеков**